

## МАХТУМҚУЛИ ФИРОГЙ ХАЛҚЛАР ДҮСТЛИКИНИНГ КҮЙЧИСИ

### Искандарова Зулбаби

Термиз давлат университети Рус ва қардош тиллар факултети  
тожик тили таълим йўналиши 2-курс талабаси

Илмий Раҳбар: МАХФИРАТ ҚУРБОНАЛИЕВА

Термиз давлат университети Рус ва қардош тиллар факултети  
тожик тили йўналиши катта ўқитувчиси

### Аннотация

Мазкур мақолада Махтумқули ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз боради. Шунингдек мақолада шоирнинг асарлари уларнинг ўзбек ва тожик халқлари орасидаги аҳамияти ва ўрни эътироф этилган. Мақола давомида асосли фикр ва мулоҳазалардан фойдаланилган. Мақола сўнгига хулоса бериб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Махтумқули, шоир ва мутафаккир, дўстлик күйчиси, шоирнинг ҳаёти ва ижоди, адабий алоқалар.

*“Биз ғурури, орияти ва маънавияти баланд халқмиз. Бу шубҳасиз катта бойлик албатта. Аждодларимиз асрлар давомида асрраб- авайлаб келган бу бойликни йўқотиб қўйсак, келгуси авлодлар бизни асло кечирмайди”.*

**Ш.М.Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирамонович Мирзиёев ҳокимият тепасига келганидан сўнг Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон ўртасидаги чегаралар очилди. Бу мамлакатлар ўртасида стратегик ҳаракатлар билан бир қаторда илмий-адабий-маданий алоқалар ҳам йўлга қўйилди. Термиз давлат университетида туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишлиланган “Махтумқули- дўстлик күйчиси” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилгани бу сўзларнинг яққол далилидир.

Ш.М.Мирзиёев яна бир ўринда ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги ҳақида шундай деган эди: “Туркий Дунёнинг Юнус Эмро, Алишер Навоий, Фузулий, Махтумқули, Абай, Тўқтағул каби буюк намояндаларнинг номларини барчамиз катта ҳурмат билан тилга оламиз”.

Жонажон Ўзбекистонимизда 130-дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қиласи. Мамлакатимиз аҳолисининг 23 фоиздан ортигини ўзбек бўлмаганлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти тожиклар, қозоқлар, қирғизлар ва туркманлардир. Бу халқларнинг ҳар бири ўз миллий ва маданий қадриятларга эга. Статистик малумотларга қараганда, тожик миллати Республикамиз

аҳолисинг 1 миллион 300 мингини ташкил этади. Бу эса шуни кўрсатадики тоҷиклар аҳоли сони бўйича ўзбеклардан кейинги иккинчи ўринни эгаллади. Уларнинг аксарияти Сурхондарё, Самарқанд, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларида истиқомат қилиб, бошқа халқ ва элатлар, айниқса, ўзбек ва туркманлар билан бирга яшаб, бирга меҳнат қилмоқда. Улар Термиз шаҳрида, ҳатто Тирмиз давлат университетида ҳам ўзбек ва туркманлар билан биргаликда дўстона фаолият олиб боришади. 20 апрелда Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини биргаликда бир бутун бўлиб нишонланганликлари сўзимизнинг исботидир.

Машҳур адабиётшунос А. Самадов тоҷик ва ўзбек халқларининг дўсту биродарлиги ҳақида кўп сўзлар ёзган. Жумладан, “Бу ҳақда қайта-қайта гапиришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Асрлар давомида қардош, аҳил ва яқин қўшни бўлиб келган халқларимизнинг ҳамиша бирлигини тараннум этишимиз, мадҳ этишимиз керак. Бугунги ҳаёт бизни бир-биримиз билан муносабатларимизни мустаҳкамлашга ундаиди. Зоро баҳтли ва содатли ҳаёт кечиришимиз, ҳар қандай соҳада тарақиётга эришишимиз замирида бизнинг дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз ётади. Шу боис халқимиз бугун ҳам ўтмиш анъаналарини ифтихор туйғуси билан давом эттириб, азалий дўстлик, биродарликни асраб-авайлаб келмоқда. Ёзувчи ва шоирларга келсак, улар ўз асарлари ва шеърларида ана шу ёқимли дўстлик туйғусини қизғин тараннум этганлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қўшни халқларнинг урф-одатлари ва маданий-миллий анъаналари жиҳатидан адабий алоқалари жуда яқиндир. Бу ҳолатни асрлар давомида ёнма-ён яшаб келаётган Марказий Осиё халқлари мисолида яхши кузатишимиз мумкин”.

Таъкидлаш жоизки, тоҷик, ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги алоқалар, асосан, уларнинг адабиётини муштараклигидан шаклланган. Ушбу мақолада Махтумқули Фироғийнинг тоҷик ва ўзбек адабиёти билан алоқасига тўхталиб ўтмоқчи бўлганимиз учун, аввало, унинг ҳаёти ва фаолиятига назар ташлашни лозим деб билдиқ.

Туркман адабиётининг атоқли шоири ва мутафаккири ҳисобланган Махтумқули Фироғий 1724-йилда Туркманистоннинг жануби-гарбий қисмида Артек дарёси бўйидаги Ҳожиговшан қишлоғида туғилган. Отаси Давлатмамат Азодий (1700-1760) ҳам ўз даври шоирларидан бўлиб, Озодий таҳаллуси билан ижод қилган. Шоир хаттотликни оиласида, яъни отасидан ўрганган. Сўнгра Овул мактабига кириб, мулла Ниёз Солих қўлида таҳсил олган. Махтумқули ўзининг ақл-заковати, донолиги билан бошқа шогирдлардан ажralиб турарди. Идрис бобо мадрасасида ўқиши давом эттиради. Кейинчалик Шерғозихон мадрасасида ўз билими камолга етди. У заргар эди. Афғонистон, Эрон,

Ҳиндистон, Озарбайжон, Самарқанд, Туркистон шаҳарларида илмий ижодий сафарларда бўлган.

Махтумқули бизга 20 минг мисрага яқин лирик, фалсафий, ахлоқий шеър ва достонлар қолдирганини адабиётшунослар алоҳида таъкидлайдилар. Махтумқули шеърларида туркман халқининг ҳёти ва урф-одатлари, ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари ўз ифодасини топган. Шоирнинг ички дунёқараши “Агар бўлмаса”, “Келгай”, “Билан”, “Найлине”, “Етмас”, “Булар”, “Вақт” ва бошқа шеърларида кўзга ташланади. У ўз асарларида туркман авлодларини ҳамжиҳатликка чақирган. Улар ўргасидаги зиддиятларни тугатишга ҳаракат қилган. Масалан: “Така, Ёвмут, Кокланг, Язир, Алали – Бир юртни қул қилсак, бештамиз...”. Шоирнинг бу мисралари ўзбек тилига қўйидагича таржима қилинган:

Сўзим тушунмайди деб қуюнма,  
Жаҳон кенгдир сендан билимдонлар.

Шоир шеърларида ўз ватанига бўлган муҳаббати ва соғинчини тараннум этган. Буни қўйидаги шеъримиз мисолида кўришимиз мумкун.

Саҳар туриб, ватан сени чоғларман,  
Гулшанли сарчашмам дея йигларман.  
Хушлашиб бу мискин жоним доғларман,  
Мақсад-муродимга етирас ҳижрон.

Фироғий, ватан деб қон тўкар кўзим,  
Боқиб қараб турмиш ҳижрона юзим.  
Биродарсиз ғамда қолдим бир ўзим,  
Баридан тиндирмиш бу золим ҳижрон.

Махтумқули машҳур форс-тоҷик ва ўзбек шоирлари Фирдавсий, Низомий, Фузулий, Навоий ижодидан баҳраманд бўлган. Унинг ишқий шеърлари ўзининг оҳангдорлиги, теран фалсафий моҳияти билан алоҳида аҳамият касб этади. Махтумқулишинос мутахассисларининг ёзишича, у Менглихон исмли қизни чиндан ҳам севган, лекин уларнинг турмуш қуриши мумкин эмас эди. Менглихон Махтумқулининг қариндоши, яни холасининг қизи бўлиб, улар болалиқдан бир-бирини севишиган.

Махтумқули отаси ва икки укаси вафот этгани учун кўп изтироб чекади, натижада севганига етиб бора олмайди. Шоир шеърида севгиси ҳақида шундай сўзлайди;

Ишқ йўлин ҳавас айлаб,  
Келган борми ёронлар.  
Дардимни баён этсам,  
Билган борми ёронлар.

Тоб етмайин зулмга,  
Борди ҳолим ўлимга.  
Йиғламайин ҳолимга,  
Кулган борми, ёронлар.

Шоир шеърларида ҳаёт ва мамот, инсон ва борлиқ ғоялари, гўзал инсоний фазилатлар ва ахлоқ, ислом ва тасаввуфнинг мазмун-моҳияти яққол сезилади. Кўпгина шеърларида Куръони Карим оятлари ва пайғамбар ҳадисларидан фойдаланган. Шунингдек, пайғамбарлар ва буюк илм-фан ва адабиёт зотлари, масалан, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд ҳақида қизиқарли мулоҳазалар билдирган.

Махтумқули қарашлари халқ оғзаки ижодига яқин. Туркман халқининг мақол ва маталлари, ҳикматли сўзлари ва афоризмлари маълум қисмини Махтумқули ижодидан олган. Айниқса қуйидаги байтдаги сўзлар халқ орасида машҳур маталига айланган.

Олимга ергашсанг очилар кўзинг,  
Жоҳилга ергашсанг кўрдек бўларсан.

Махтумқули асарлари Европа ва рус шарқшунослари, туркман, ўзбек, форсийзабон олимлар томонидан қиёсий ўрганилди. Хусусан, Навоий асарларининг Махтумқулига таъсири ва бошқа адабий таъсир масалалари (С.Кориев, “Навоий ва Махтумқули”, “Махтумқули ислом шоири”, “Махтумқули ғазалларида ўзбек халқ қўшиқлари” ва бошқалар) муҳокама қилинди. Махтумқулининг “Намасан”, “Аирилдим”, “Ошиқам”, “Устадат маъравдан”, “Коринг” каби шеърларининг бир қисми ўзбек қўшиқчилари: Комилжон Отаниёзов, Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажоновлар томонидан ижро этилган.

Махтумқули Фироғий шеърияти Ўрта Осиёдаги барча халқларнинг маънавий мулкига айланган. Шеърлари ўзбек ва тожик тилларига таржима қилинган. Унинг шеърлари нафақат туркманларнинг, балки бутун туркий халқларнинг фахридир. Бир неча асрлар давомида бу шоир шеърлари билан миллионлаб қалблар мунаvvар бўлди. Юртимизда Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоҳёр, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Фузулий ижоди билан бир қаторда

унинг асарлари ҳам севилиб, ардоқланади. Муболағасиз айтиш мумкинки, юртимизда бу шоирнинг ҳеч бўлмаганда бир байтини ёд билмайдиган одам йўқ.

Айтиш жоизки, Махтумқули шеърлари билан тожик ва ўзбек китобхонларини яқиндан таниширишда бир қанча сара таржимонларимиз катта меҳнат қилдилар. Бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда. Чунки шоир шеърлари дengиздек чексиздир. Бу шоир шеърларини таржима қилишда ҳали моҳир таржимонлар кўп меҳнат қилиши керак. Ушбу вазифаларни бажаришда таржимонлардан маҳорат ва тайёргарлик талаб қилинади. Шу ўринда айтиш керакки, Махтумқули ғазалларининг асл маъносини тўлиқ англаш учун туркман тилини билишнинг ўзи етарли эмас, балки унинг фалсафаси, дунёқарашини ҳам теран англаш зарур. Қолаверса, бу шоир шеърларини тожик ва ўзбек тилларига таржима қилиш учун тасаввуф адабиётидан, туркман тилининг ўзига хос хусусиятларидан, туркман халқи оғзаки ижодидан тўлиқ хабардор бўлиш зарурдир.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб ўзбек китобхонлари Махтумқули шеърларининг Жуманиёз Шарифов, Эргаш Очилов, Музaffer Аҳмад, Мирзо Кенжабек ижоди орқали таржимасини ўқиб келмоқда. Айрим маълумотларга кўра, Махтумқули шеърлари Тожикистон ва Эронда ҳам таржима ва нашр этилган, афсуски, биз уларни топа олмадик.

Айтиш жоизки, Махтумқули шеърларининг ўзбек тили таржимасида сурхондарёлик Шайх Абдулмўмин (Абдумўмин Жумаев) ва Жуманазар Зулпиевлар таржимонлар орасида алоҳида ўрин ва мавқега эга. Бу таржимонларнинг асосий ютуқларидан бири туркман миллатига мансублигидир. Иккинчидан, уларнинг ҳар иккиси ҳам қарийб ўттиз беш йилдан буён Махтумқули шеърларини ўзбек тилига ўтиришади. Бу ижодкорларнинг таржимаси “Камалак” нашриётида “Вақф бу...” (1991), Республика жамғармаси нашриётида “Махтумқули шеърлари” (2003) номи билан нашр этилган. Қўшма таржима 2008 йилда “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида “Сайланма” номи билан беш минг нусхада чоп этилган.

Махтумқули шеърияти мухлислари учун хушхабар шуки, бу икки заҳматкаш таржимон навбатдаги китобни нашрга тайёрладилар. Айтиш мумкинки, бу китоблар уч қадимий халқ: тожиклар, ўзбеклар ва туркманларнинг дўстлигини мустаҳкамлашга ўзига хос ҳисса қўшади. Холосамиз, сўнгини шоирнинг қалбидан отилиб чиқан учқун қайноқ мисралар билан якун ясадик.

Уйғон хоби ғафлатдан, ажалсиз улан қўнглим,  
Умид узиб оламдан, даргоҳдан тилан қўнглим.  
Тиз чўкибон, дам урса, Исо, Хизр ҳам Илёс,  
Тирилмас зинда бўлмас, худ мурда бўлан қўнглим.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Ш. Мирзиёев. “Ўзбекистон”  
Тошкент- 2022 йил. 284 бет.
2. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ш. Мирзиёев  
“Ўзбекистон” ҲМУЙ 2020 йил. 313 бет.
3. Дўстлик хамсаси. “Тасвир” нашриёти-2019 йил. 206 бет
4. Махтумқулинома. Ораз Яғмур. Тошкент “Ўзбекистон” 2016 йил. 84 бет